# ХИЗМАТ КУРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 1

**Яйловларни ҳамда қишлоқ хўжалик экинларини зарарли ва махаллий чигирткалардан химоя қилиш тўғрисида**

«8» июн 2022 йил Карши шахри.

**ООО " Nukus Bioximservis "** , бундан буён «Иш бажарувчи» деб аталувчи, рахбари **К.Сулейманов**, Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва **Қашкадарё вилояти Чигиртка ва тут парвонасига карши курашиш хизмати**, бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи, рахбари Ш.Қаршиев, Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома тузадилар:

**1. Шартнома мазмуни**
**2.**

1.1 Мазкур шартнома буйича Бажарувчи, Буюртмачи га зарарли ва махаллий чигирткаларга карши кимёвий ишловларни утказиш буйича хизматлар курсатади.

**2.Бажариладиган иш хажмининг нархи ва умумий қиймати**

2.1 Бажариладиган иш хажмининг умумий қиймати Республикамиз миллий валютаси сўмда белгиланади.

2.2 Шартнома умумий суммаси **Бир юз олтмиш миллион кирк минг сумни** ташкил қилади.

| № | Зарарли чигирткаларга карши кимёвий курашишда техника турлари буйича | Ўлчов бирлиги | 1гектарга хисобланган сумма | Бажариладиган гектар | Жами сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | УАЗ УМО микроноер автомашинасида зарарли чигирткаларга карши кимёвий курашиш хизмати | гектар | 16004 | 10000 | 160 040 000 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | Жами | Х | Х | Х | 160 040 000 |

Сумма: Бир юз олтмиш миллион кирк минг сум.

2.3 Бажариладиган ишнинг қиймати, нарх ошганлиги натижасида ўзгарганда, «Буюртмачи»га олдиндан хабардор қилиб, ўзгарган нархини асослаган холда иш бажарилади.

2.4 «Буюртмачи» ўзгарган нархлар асосида қўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида шартномага қўшимча келишувлар тузилиши асосида амалга оширади .

**3. Тулов шартлари**

3.1 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га шартнома умумий суммасининг олдиндан 30%и микдорда 10 банк кунида «Иш бажарувчи»нинг махсус хисоб рақамига (сўмда) олдиндан тўловни амалга оширади.

3.2 Тўлик хизматлар (ишлар) бажарилгандан сўнг бажарилган ишлар далолатномаси (хисоб фактура) асосида 10 банк кунида қолган 70% тўлов «Иш бажарувчи»нинг махсус хисоб ракамига ўтказиб берилади.

3.3 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган такдирда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган иш хажмини бажармасликга хакли бўлади.

3.4 «Буюртмачи» тўловларни бажарилган иш (кўрсатилган хизмат, акт далалатномаси, хисоб-фактура)га асосан шартномадаги умумий суммадан чиқмаган холда амалга оширади.

4.**Ишнинг бажарилиш тартиби**

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чиқмаган холда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган ишларни тўлиқ бажариши шарт.

4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Иш бажарувчи» нинг хисоб ракамига ўтказилгандан сўнг 30 банк иш кунида шартномада кўрсатилган иш (хизмат)лар бажарилиши шарт.

4.3 Бажариладиган иш хажми шартноманинг умумий суммасидан ошса «Буюртмачи» ва «Иш бажарувчи» томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 09 апрелдаги 472-сонли карори талаблари асосида бюджет маблағлари доирасида ўзгартириш киритиши ёки бекор қилиниши мумкин.

4.4. Шартномада кўрсатилган иш хажмини «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га топширгандан сўнг тўлик бажарилган хисобланади.

## 5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 « Иш бажарувчи» мажбуриятлари:

• Олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг, шартномада кўрсатилган иш хажмини бажаришни бошлайди.

• «Иш бажарувчи» ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.

• Иш жараёнида «Буюртмачи» аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиб боради.

• Ҳудудидаги зарарли ва махаллий чигирткалар маконлари, уларни чиқиш даври, тарқалган майдонлари ва иш хажми тўғрисида маълумотларни Чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизмати Бухора вилояти филиалига тезкор равишда етказиш;

• Зарарли чигирткаларга қарши агротехник, биологик ва кимёвий кураш чора-тадбирлар ўтказиш;

• Жойларда назорат ишлари ва кимёвий ишловларни ўз вақтида сифатли ва самарали ўтказилишини, бажарилган назорат ишлари ва кимёвий ишловларни далолатномалари расмийлаштириш учун зарарли чигирткаларга қарши курашга жавобгар агроном – энтомолог ёки ташкилотчи вакилини алоҳида бу ишни бажарилишига бириктириш;

• “Иш бажарувчи” “Буюртмачи”ни флора ва фаунанинг фойдали манбаалари, экологик меъёр ва мезонлари бузилиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида олдиндан огоҳлантириши шарт, акс ҳолда “Буюртмачи” жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

5.2 «Буюртмачи» мажбуриятлари:

• Бажарилган иш хажмини қабул қилиб олгунча «Иш бажарувчи» иштирокида бажарилган ишни обдон куздан кечиради ва унинг сифатига эътибор беради;

• Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, «Буюртмачи» қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тўлик, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга хакли бўлади.

• Бажарилган иш хажми «Буюртмачи» томонидан тўлик қабул қилиб олингандан сўнг «Иш бажарувчи»га шартномада кўрсатилган сумманинг қолган қисмини тўлик ўтказиб бериши шарт.

• Зарарли чигирткаларни тарқалишини башорат қилади ва уларга қарши ўтказиладиган кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқади, вилоят худудида ўтказилишини ташкиллаштиради хамда назорат қилади;

• Зарарли чигирткаларни тарқалиш маконлари майдонларини хисобга олган ҳолда яйлов ва қишлоқ хўжалик экинларини ўз вақтида химоя қилиш учун зарур бўладиган кимёвий воситаларни етказиб келтириш ва ўз техникаси билан кимёвий ишловларни ўтказиш чорасини кўради;

• Зарарли чигирткаларга қарши агротехник, биологик ва кимёвий қарши кураш чораларини ташкиллаштиришда, ўтказишда услубий ва амалий ёрдам беради;

• Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан самарали фойдаланиш ва уларни қўллаш регламентларига риоя этилишини ташкиллаштиради ҳамда назорат қилади.

## 6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада курсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган такдирда Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодекс ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисида»ги Конунининг 25-32 бандлари буйича жавобгар бўладилар.

6.2. Тўловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган хар бир кун учун 0.04% микдорида, лекин шартноманинг умумий суммасининг 50% дан ошмаган микдорда пеня тўлайди.

6.3. Шартномада кўрсатилган иш хажмини ўз вақтида бажарилишини кечиктирганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган хар бир кун учун 0.04% микдорида, лекин шартноманинг умумий суммасининг 50% дан ошмаган микдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарилган иш хажми «Буюртмачи» томонидан қабул қилингандан кейин икки томоннинг келишувига биноан 3 ой муддатга жавобгарлик «Иш бажарувчи» томонида қолади.

6.5 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

## 7. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар ўртасада шартномани тузишда, бажарилишида, ўзгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар огохлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда муросага келинмаганда шу ернинг К.Р Экономический Суди оркали хал қилинади.

## 8. Кўшимчалар

8.1. Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучга эга бўлади. ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши хам мумкин, қилинган илова икки томоннинг мухири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.2. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тўлов шартлари бажарилмаганлиги ва хизмат кўрсатиш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

8.3.Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

### 9. Форс- мажор

9.1 Агар шартнома тузилгандан сўнг икки томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий холатлар, сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, хеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар хисобланмайдилар.

### 10. Шартноманинг амал қилиш муддати

10.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва «31»декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

10.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган икки томон учун хам тенг кучга эга бўлиб банк хисоб-китобларини амалга оширишга асос бўлади.

### 11. Томонларнинг юридик манзили

**«Иш бажарувчи»**

НОМИ "NUKUS BIOXIMSERVIS» МЧЖ

МАНЗИЛ Нукус шахри Амударъё кучаси 4А

Х\Р 20208000600611951001

ИНН 303911010 ИФУТ 22300

Б\К 01038

НОМИ АКБ Капитал банк Нукус филиал

РАХБАР ____________ К.Сулейманов
(имзо) (ф.и.о )

**«Буюртмачи»**

НОМИ Қашқадарё вилоят чигиртка ва тут пар. к. кур.

МАНЗИЛ Қарши ш. Устозлар

Тел ____________

Ш.Х.В 10002186010400170421110060004

ИНН 302989148 ИФУТ ________

ЎзРесп.Молия вазирлиги Ғазначилиги

ИНН: 201122919 Б\К: ________

Х/Р: ________________

РАХБАР ____________ Ш. Қаршиев
(имзо) (ф.и.о)

**Юрист визаси:** Мен ______________________________________________
нинг юристи, ушбу шартнома лойиҳаси
амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини аниқладим:

«____» ___________ 2022 йил /_______________/ ______________________________